

“Hududgazta`minot” АЖнинг  
2021 йил “04” октobeр даги  
№ 284- сонли бўйруғига  
2- илова

**“Hududgazta`minot” АЖ Эксперт-техник комиссияси тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Тошкент-2021 йил

## **1.Умумий қоидалар**

1.1. Ушбу Низом "Hududgazta`minot" акциядорлик жамиятининг Эксперт-техник комиссиясини тайинлаш, таркиби, ишини ташкил этиш, вазифалари, масъулияти, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. "Hududgazta`minot" АЖ (кейинги ўринларда - Жамият деб юритилади) эҳтиёжи учун зарур бўладиган барча товарлар, ишлар ва хизматлар хариди учун техник топшириқларни (кейинги ўринларда - ТТ деб юритилади) тайёрлаш, тасдиқлаш ва харид иштирокчиларидан келиб тушган техник таклифларни кўриб чиқишига қаратилган эксперт баҳолашни ўтказиш мамақсадида Жамият Эксперт-техник комиссияси (кейинги ўринларда - ЭТК деб юритилади) ташкил этилади.

1.3. ЭТК Жамият хузурида ташкил этилади ва мазкур Жамият манфаатлари йўлида фаолият юритади, Жамият эҳтиёжи учун зарур бўладиган барча товарлар, ишлар ва хизматлар хариди учун ТТ тайёрлаб тасдиқлайди, ўтказиладиган харидлар бўйича техник таклифлар юзасидан хулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган орган ҳисобланади. ЭТК Жамият Бошқаруви раисининг буйруғи билан тузилади.

1.4. ЭТК товарлар, ишлар ва хизматларни (кейинги ўринларда – ТМБ, ишлар ва хизматлар деб юритилади) сотиб олишнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини тартибга солади, Жамият ишлаб чиқариш фаолиятида зарур бўлган ТМБ, ишлар ва хизматларни харидини амалга оширишда Жамият таркибидаги корхона ва ташкилотларга бевосита техник ёрдам беради.

1.5. ЭТК ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва республиканинг бошқа амалдаги норматив ва қонун ҳужжатларига, "Hududgazta`minot" АЖ буйруқ ва қарорларига, йўриқномаларига ва бошқа норматив ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қиласи.

## **2. ЭТКнинг вазифалари ва функциялари**

2.1. ЭТК Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва бошқа вазифаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган эҳтиёжларга мувофиқ муайян турдаги ТМБ, ишлар ва хизматларни хариди учун ТТни тайёрлайди.

Эҳтиёжи аниқланган ва хариди лозим бўлган ТМБ, ишлар ва хизматлар техник параметрларини батафсил ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида ТТ ва хулосалар тайёрлашга ЭТК аъзоларидан ташқари, улардан фойдаланиш ёки уларни Жамиятнинг ишлаб чиқариш обьектларида қўллаш жараёнида бевосита иштирок этувчи тегишли мутахассислар ҳам жалб қилиниши мумкин. Расмийлаштирилган ТТ ЭТКнинг барча аъзолари томонидан имзоланади, ЭТК раиси томонидан тасдиқланиб муҳрланади ва харид қилиш ташаббускори (буортмачи) бўлган Жамият корхонаси, ташкилотига юборилади. Харид қилиш ташаббускори (буортмачи) бўлган Жамият корхонаси, ташкилоти ТТни расмийлаштирилган буортма билан харидларни амалга оширувчи Жамият корхонасига ё/ёки харидлар бўйича ишчи органга тақдим қиласи.

2.2. Техник хулоса ЭТКнинг барча аъзолари томонидан ҳам мажбурий тарзда имзоланади, ЭТК раиси томонидан тасдиқланади ва муҳрланган

конвертда таркибидаги ҳужжатларнинг маҳфийлиги учун харидлар бўйича масъул бўлган ишчи органга Жамият харидлар комиссияларига, харид жараёнлари муддатларига риоя қилган ҳолда, топширилади.

2.3. ЭТК раиси Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарида бўлган ҳолларда, ТТ ёки хulosани факс орқали тасдиқлайди, бошқа ҳолларда (касалхоналарда, меҳнат таътилида ва бошқаларда) - раис ўринbosари томонидан тасдиқланади.

2.4. ЭТК расмийлаштириладиган техник хulosаларда техник таклифларни ТТқа мувофиқлиги юзасидан ўрганиш, таҳлил қилиш ва эксперт баҳолашни амалга оширади.

### **3. ТТ таркиби ва унда акс эттирилиши шарт бўлган маълумотлар**

3.1. товарларнинг давлат харида учун ТТда:

товарларнинг тавсифи (ТИФ ТН Коди, Давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ягона миллий классификатори бўйича Коди, функционал тавсифлар ва истеъмол хусусиятлари);

товарни сотиб олишдан кўзланган мақсадлар;

харид амалга оширилаётган лойиха учун асослар;

товарларни суғурталаш;

товарларнинг зарур техник тавсифи (Давлат стандарти (ГОСТ), Саноат стандарти (ОСТ), Техник шартлар (ТУ), Паспортлар ёки техник тавсифлар, ишлаб чиқарувчи каталоглари);

товарларнинг ҳажми, қадоқлаш, юклашга қўйиладиган талаблар;

агар давлат харида тавсифида бошқача назарда тутилмаган бўлса, товарнинг янги, аввал ишлатилмаган, фойдаланилмаган бўлиши тўғрисидаги кўрсатма;

комплектлашга қўйиладиган талаблар;

товарга хизмат кўрсатиш ва уни эксплуатация қилишга қўйиладиган талаблар;

товарни эксплуатация қилиш харажатларига қўйиладиган талаблар;

товарнинг техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги бўйича талаблар;

етказиб бериш микдори, даврийлиги, муддати ва жойи бўйича талаблар;

шеф-монтажни амалга ошириш (агар монтаж етказиб берувчи томонидан бажарилса) бўйича талаблар;

ходимларни ўқитиш бўйича талаблар;

товар билан бирга бериладиган ҳужжатлар ва сарф материалларининг зарур микдори;

кафолат ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатиш бўйича талаблар (муддати, жойи);

товарнинг яроқлилик муддати қолдиги, сақлаш муддати, сифат кафолатларига қўйиладиган талаблар;

товарнинг ишлаб чиқариш/чиқариш муддатига қўйиладиган талаблар;

3.2. ишлар ва хизматларнинг давлат харида учун ТТда:

асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларни акс эттирган ҳолда, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг номланиши ва фойдаланиш мақсадлари;

харид амалга оширилаётган лойиҳа учун асослар;

буортмачининг ҳақиқий эҳтиёжларини инобатга олган ва амалдаги норматив ҳужжатлардан келиб чиқиб асослантирган ҳолда ижроидан талаб қилинадиган ишлар, хизматлар рўйхати ва уларнинг ҳажми (микдори);

аниқ манзилни (манзиллар) кўрсатган ҳолда ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойи;

ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш шартлари;

давлат буортмачиси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, иштирокчига бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг мураккаблигидан келиб чиқсан ҳолда қўйиладиган талаблар;

ишлар ва хизматлар кўрсатилиши лозим бўлган давр (даврлар) ёки ишлар якупнаниши ва хизматлар кўрсатилиши шарт бўлган аниқ санани ёхуд ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишнинг давлат буортмачиси учун мақбул энг қисқа муддати ёки шартнома тузилгандан (аванс тўланган, бошқа ҳолат) кейинги ижрочи ишга киришиши ва хизматлар кўрсатишни бошлиши лозим бўлган муддатни кўрсатган ҳолда ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш муддатлари (даврлари);

ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишга, уларнинг натижаларига қўйиладиган талаблар. Агар ижроидан шартномани бажариш жараёнида учинчи шахслар олдида жавобгарликни суғурталаш талаб этиладиган ёки кўрсатиладиган хизматлар инсонлар соғлиғи ва ҳаётига хавф туғдириши эҳтимоли мавжуд бўлган тақдирда хизматлар кўрсатишнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча талаблар кўрсатилиши лозим;

ишлар ва хизматлар натижаларини топшириш ва қабул қилиш тартиби. Ишлар ва хизматларни бажарishнинг ҳар бир босқичи бўйича ва умумий натижаларини топшириш ва қабул қилишни таъминлаш бўйича тадбирлар, ҳар бир босқич ва умумий давр бўйича расмийлаштирилиши ва топширилиши лозим бўлган ҳисбот, техник ва бошқа ҳужжатлар (синовлар, назорат далолатномалари, бошқа ҳужжатларни имзолашталаблари)нинг мазмуни кўрсатиб ўтилади;

давлат буортмачисига ишлар ва хизматларни якуплаш ва натижаларини топшириш бўйича техник ва бошқа ҳужжатларни тақдим қилиш бўйича талаблар;

давлат буортмачисининг ходимларини бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар юзасидан ижрочи томонидан техник ўқитиш бўйича талаблар;

ишлар ва хизматларнинг сифати кафолатлари ҳажми (ижроининг кафолат муддати давридаги давлат буортмачиси учун талаб этиладиган энг мақбул ёки аниқ белгиланган мажбуриятлари) бўйича талаблар;

ишлар ва хизматлар натижаларида сифат кафолатларини кўрсатиш тўғрисидаги талаблар;

ижрочи томонидан ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш бўйича мажбуриятларни бажариш асносида юзага келган интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлак хукуқларни давлат буюртмачисига топшириш шартларини кўрсатга ҳолда муаллифлик хукуқлари;

давлат буюртмачисининг ихтиёрига кўра ишлар, хизматлар ва уларни кўрсатиш шартларига қўйиладиган бошқа талаблар.

Санаб ўтилган талаблар товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ўзига хос хусусиятларига қараб ТТГа киритилади.

#### **4. ЭТК таркиби**

4.1. ЭТК тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади, унинг аъзолари таркиби ва сони Жамият Бошқаруви раиси тегишли буйруғи билан шакллантирилади ва тарқатиб юборилади.

4.2. Жамият ЭТК фаолиятини амалга ошириш учун камидаги 5 (беш) нафар аъзодан иборат таркибда Жамиятнинг ЭТКси тузилади.

4.3. ЭТК фаолияти устидан раҳбарликни ЭТК раиси, унинг йўқлигига унинг ўринбосари амалга оширади.

4.4. ЭТК аъзолари холис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили ғолибини танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

4.6. ЭТКнинг ишига ЭТК раиси раҳбарлик қиласи, у ЭТК мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ва ЭТК томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қиласи, шунингдек, ЭТК мажлисларининг баённомаларини имзолайди. ЭТК раиси йўқлигига унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

#### **5. ЭТКнинг ишлаш тартиби**

5.1. ЭТК мажлислари заруратга қараб ўтказилади ва қарорлар харид қилиш ташаббускори (буюртмачи) бўлган Жамият корхонаси, ташкилоти томонидан сўралган муддатларда чиқарилади.

5.2. ЭТК тезкор фаолиятини унинг масъул котиби ташкил этади. ЭТК мажлисларини ташкил этиш ЭТК котиби томонидан амалга оширилади, у ЭТК раиси томонидан хоҳишига кўра тайинланади.

5.3. ЭТКнинг қарори оддий овоз бериш йўли билан қабул қилинади, фақат бунда ЭТК таркибининг камидаги 60% (лтмиш фоиз) мажлисда бўлса ва мажлисда иштирок этувчи ЭТК аъзоларининг ярмидан кўпи унга овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

5.4. ЭТКнинг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. ЭТКнинг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш хукуқига эга эмас.

Овозлар тенг тақсимланганда, Жамиятнинг бошқа корхоналаридан қўшимча мутахассисларни жалб этган ҳолда, масалани белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиши тайинланади.

5.5. ЭТК қарори ЭТКнинг барча аъзолари томонидан имзоланган ва унинг раиси томонидан тасдиқланган баённома билан расмийлаштирилади.

5.6. ЭТК мажлисларида харид қилинадиган ТМБ, ишлар ва хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ юзага келадиган техник

характердаги масалаларни аниқлаш ёки аниқлаштириш учун буюртмачи мутахассисининг иштироки зарур бўлган ҳолларда ЭТК раиси унинг иштирок этишини таъминлаши шарт.

## **6. ЭТК Ҳуқуқлари**

6.1. Ҳар қандай қуий ташкилот ва корхона ходимларининг эксперталарини жалб этиш.

6.2. Белгиланган муддатларда ёзма хulosалар олиш учун илмий-тадқиқот институтлари, илмий жамиятлар, ассоциациялар ва алоҳида мустақил мутахассисларга, шунингдек ихтисослаштирилган муассасаларга материаллар ва хulosалар юбориш ва олиш.

6.3. Буюртмачи ва ТМБ, ишлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилардан таклифларига оид қўшимча маълумот талаб қилиш.

6.4. Агар керак бўлса, харид таклифларини тақдим этган иштирокчилардан ёки ўларнинг ишончли вакиллари ва ваколатхоналари, ишлаб чиқарувчи заводлардан моҳият бўйича керакли маълумотларни сўраш.

## **7. ЭТК аъзоларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

7.1. ЭТК аъзолари ЭТК қарорига рози бўлмаган тақдирда, Жамият бошқаруви раисига асосли эътиrozларини ёзма равишда тақдим этиш ҳуқуқига эга.

7.2. ЭТК аъзолари мустақил эксперт бўлиб, ЭТК фаолияти давомида олинган ахборотнинг махфийлиги учун масъулдирлар ва харидлар жараёнларида иштирок этаётган иштирокчилар манфаатларини ифода этиш ҳуқуқига эга эмаслар.

7.3. ЭТК аъзолари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган жавобгарликка эга бўладилар.

7.4. Харидлар муайян иштирокчиси манфаатлари бўйича харид тартиб-тамойлларини қасдан монипулязация қилиш ҳамда харид иштирокчилари ва/ёки харид ташкилотчилари ва буюртмачилар билан жинойи тил бириктиришганлик учун ЭТК аъзолари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда шахсан жавобгар бўладилар.

7.5. ЭТК томонидан берилган техник хulosha харидлар комиссиялари учун харидлар иштирокчisinинг тижорат босқичига ўтишига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилишда асос бўлади.

## **8. ЭТК ишини назорат қилиш**

8.1. ЭТК ўз фаолиятида Жамият Бошқаруви раисига ҳисобот беради. ЭТК раиси Кузатув кенгаш раиси томонидан заруратга қараб, лекин йилига камида бир марта эштилади.

8.2. ЭТК фаолияти тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва тегишли органларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларда акс эттирилиши мумкин.